йўналтирилган.

Бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишини бошқариш – бу ижодий педагогик жараён, бу жараённи муваффақиятли бошқариш ўқитувчининг бўлажак математика ўқитувчисининг ижод учун очил-ган аниқ моделлаштирилган ўқув вазиятида динамик ривожланаётган интеллектуал-коммуникатив фаолиятини яратишга тайёрлиги билан аниқланади [4].

Ўқитувчи ва бўлажак математика ўқитувчиларининг бундай ўзаро муносабати типида бўлажак математика ўқитувчисининг касбий ривожланиши учун шароит шаклланади.


**Адабиётлар**

1. Бекмурадов А.Ш., Голиш Л.В., Хашимова Д.П. Проектирование и планирование педагогических технологий. – Ташкент: ТГЭУ, 2010. – С. 62.
2. Ишмухаммедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. –Т.: 2013, 15-б.
3. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари. -Т.: ТДИУ, 2010, 25-б.
4. Тюрикова Г., Филатова О., Прошкина И., Семенова Е. Организация самостоятельной работы студентов – условие реализации компонентностного подхода. // Высшее образование России. 2008, №10. –С. 93-97.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада профессионал таълим йўналиши бўйича талабанинг мустақил таълим олиш муаммоси кўриб чиқилади. Мустақил иш турларининг руйхати, шунингдек, талабанинг мустақил таълимининг педагогик жараёнининг таркибий қисми келтирилади. Талабанинг мустақил иши - мустақил таълимнинг компонентларидан бири эканлиги таъкидланади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются проблемы самостоятельного образования студентов по направлению профессионального образования. Приводится перечень разновидностей самостоятельной работы, а также составных частей педагогического процесса самостоятельного образования студента. Подчёркивается, что самостоятельная работа студента – один из компонентов самостоятельного образования.

**SUMMARY**

The article deals with independent education of students on the direction of professional education. The author gives a list of various types of independent work and also the basic parts of pedagogic process of independent work of students. It is emphasized that independent work of students is one of the elements of independent education.


# БЎЛАЖАК МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ


**З.У.Джумагулов –** *ассистент ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** интерфаол технологиялар, таълим жараёни, билим, шаклланиш, ижодий фаолият.

**Ключевые слова:** интерактивные технологии, образовательный процесс, знание, формирование, творческая деятельность.

**Key words:** interactive technologies, educational process, knowledge, formation,creative activity.


Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Демак, бундай шароитда юқори малакали педагогларга қўйилган талаблар ортиб бориб, баркамол авлоднинг асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогика ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга қаратилган қуйидаги мазмундаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- ўқитиш мазмуни ва унинг ўқув-методик таъминоти;
- таълим технологиялари;
- билимларни назорат қилишнинг объективлигини таъминлаш;
- умум жаҳон стандартлари талаблари асосида компетентли меҳнат таълими ўқитувчиларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга доир технологияларни ишлаб чиқиш;
- дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси учун таълим олиш жараёни педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамият саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси ушбу жараёнда билимларини жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва келажакда касбий фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўлларини ўрганиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Бугунги кунда бўлажак меҳнат таълим ўкитувчиларининг методик тайёргарлигидаги:

- фаол таълим олиш шаклларига бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги;
- касбий шаклланишига йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликлари;
- касбий шакллантиришда таълимнинг мазмуни, методи, замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаганлиги;
- талаб этиладиган билим ва кўникмаларнинг етарли шакллантирилмаганлиги каби номутаносибликларга барҳам бериш йўлларини ва усулларини аниқлаш, улар асосида илмий тадқиқот ва тажриба синов ишларини олиб бориш орқали зарур илмий хулосалар чиқариш ҳамда илмий, амалий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти туғилади [1:160].

Бугунги кунда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини ўқув жараёнининг марказига жойлаштириш, уларни шунчаки тингловчидан фаол субъектга айлантиришга қаратилган ўқитиш концепцияси илгари сурилмоқда. Шу мақсадга эришиш учун ўқув дастурларининг мазмуни ва ўқитиш технологиялари мунтазам янгиланмоқда.

Ҳар бир ўқув мавзуси, бўлимни ўрганиш жараёнида интерактив топшириқларни тузиш имкониятини ҳам алоҳида назарда тутиш талаб этилади, чунки меҳнат таълимида турли ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида интерактивликни таъминлаш алоҳида технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Дастлаб бу технологиялар Ўзбекистонда нашр қилинаётган дарслик ва қўлланмаларда ҳам ўз аксини топган. Н.Н. Азизхўжаева “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”, Ш. Шодмонова, Н.С. Мирсагатова, Г.Н. Ибрагимова, М.Т.Мирсолиевалар тузган “Педагогик технологиялар” методик қўлланмасида, У.И.Иноятов, Н.А. Муслимов, Д.И. Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбаевалар интерактив технологияларнинг қуйидаги турларини асослайдилар: муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, табақалаштирилган таълим, ҳамкорлик таълим, модул таълими, ўйин технологиялари, масофавий таълим, мустақил таълим.

Ўқув жараёнига интерфаол технологияларни татбиқ қилиш ўқитишнинг гуруҳли шаклини амалга ошириш, жамоа бўлиб ишлаш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш имконини бериб, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий ривожланишларига асос бўлади. Бундай шароитда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари ўқув

курсини ўзлаштириш учун ўз зиммаларига катта масъулият олади. Интерфаол технологиялар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари билан интерфаол ишлашнинг ҳар бир шакли ўзига хос технологияларни қўллаш имконини беради. Жумладан:

1. Биргаликта жуфтликларда ишлаш: "Юзма-юз ўтириб ишлаш", "Бирга-икки ва биргаликда ишлаш".

2. Кичик гуруҳларда ишлаш: "Аквариум" усули.

3. Интерфаол ўйинлар: "Ролли ўйинлар".

4. Мунозара асосида ўқитиш технологияси: "Ўз нуқтаи назаримни танлайман" усули кабилар [2:104].

Ўқитувчилар дарс жараёнида бир қанча интерфаол методлардан фойдаланиб келишмоқда. Биз ҳозиргача ўқитиш технологияларининг бир қанча турлари билан танишамиз. Бу технологияларнинг "Ақлий ҳужум", "Бумеранг", "Балиқ скелети", "БББ" технологияси, "Инсерт жадвали", "Нилуфар гули", "Фикрлай оласанми", "Кластер" каби турлари мавжуд. Албатта, бундай технологиялардан фойдаланиб, дарсларни ташкил қилиш унинг қизиқарли ва самарадор бўлишига хизмат қилади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда олий педагогик таълим жараёнида интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялардан яхлит ва алоҳида-алоҳида фойдаланган ҳолда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантириш мумкин. Бунда профессор-ўқитувчилар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини аниқ ҳисобга олишлари керак, чунки мазкур методлар ва технологиялар ёрдамида назарий билимлар ва амалий тажрибалар бир йўла ўзлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий нуқтаи назар, дунёқараш, нутқ, мантиқий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, уларда педагогик билимлар ва ҳодисалар устида танқидий фикрлаш вужудга келади. Натижада улар ўзларининг индивидуал ижодий лаёқатларини рўёбга чиқариш ва амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам интерактив ўқув вазиятларини шундай ташкил этиш керакки, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари янги ва ўзлаштирилган билимлар орасидаги боғланишни аниқ тасаввур этишлари лозим. Натижада улар муйян муаммонинг муқобил ечимларини топадилар, кашфиётлар қиладилар. Ҳамкорликда ишлаш жараёнида турли воситалар ёрдамида ўзларининг шахсий ғояларини шакллантирадилар [4:125].

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи бўлажак дарснинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эга, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусияти, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида биз касбий-педагогик таълим жараёнида амалга ошириладиган интерфаол ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишнинг интерфаол методлари ва технологиялари бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Жумладан:

1. Интерфаол ўқитиш жараёнининг мазмуни бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий билимларини эгаллаш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши лозим. Бунда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг шахсий қувватлари, нуқтаи назарлари, билим даражаларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

2. Интерфаол ўқитиш жараёнида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари ўз кучларига нисбатан қўшимча ишонч ҳосил қилиб, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб, ўз ўқув фаолиятлари учун масъулият ҳиссига эга бўлади.

3. Тренинглар, ишчан ўйинлар ёрдамида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари мунтазам тарзда ўз мавқеларини аниқлашга муваффақ бўлади, чунки жамоавий иш шакли мунтазам тарзда ўз мавқеини аниқлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади. Бунинг натижасида гуруҳ аъзолари билан келишган ҳолда умумий ечимлар қабул қилинади ҳамда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида яхлит жамоа бўлиб ишлаш, бу жараёнда ўз қобилиятларини намоён қилиш кўникмалари шакллантирилади.

4. Интерфаол ўқитиш жараёнида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг ўзлари мустақил тарзда креатив қобилиятларини намоён қиладилар, фаол тарзда касбий сифатларини ўзлаштиради.

5. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар ўзлари ўзлаштирган билимларни ва касбий сифатларини истиқболдаги фаолиятларида қўллаш кўникмаларини изчил тарзда эгаллайди.

6. Интерфаол ўқитиш жараёнида вужудга келтириладиган хайрхоҳ муҳити, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг ижодий юксалишлари учун қулай имконият яратиб, уларнинг креатив қобилиятларини мунтазам ривожлантиришга асос бўлади [2:152].

Маълумки, меҳнат таълими фанларини ўқитишда умумий ўрта таълим мактабларида ва касб-ҳунар коллежларида ҳам қупгина қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарликлари етарли даражада такомиллаштирилмаганлиги сабабли юзага келмоқда. Бу эса ўз-ўзидан Республикамиздаги барча педагогика олий таълим муассасаларида меҳнат таълимини ўқитишда талабаларнинг методик тайёргарлигига бўлган эътиборни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек қайд этилган вазифаларни самарали ҳал этиш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг талаблари асосида республикамиздаги барча умумий ўрта ва ўрта махсус таълими муассасалари учун педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш, хусусан, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида таъминлаш йўллари, воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади [3:80].

Шундай қилиб, интерактив технологияларни лойиҳалаш амалий дидактига оид тадбирларни кетма-кет ва изчил амалга оширишни тақоза этади. Интерактив ўқитиш технологиялари таълим олувчиларда бўлажак касбий фаолият учун муҳим саналган шахс сифатларини, вазифасига кўра функционал мажбуриятларини амалга оширишни кафолатлайдиган билим, кўникма ва малакаларини шакллантира оладиган технология ҳисобланиб, жараёнли методик ҳаракатлар тизими ва дидактик инструментлардан иборат бўлади.

**Адабиётлар**


1. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Тошкент: РТМ. 2004. 104-б.
2. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса. - Волгоград: «Перемена», 1995.
3. Муслимов Н.А, Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. -Тошкент: Fan va texnologiya. 2013. 160-б.
4. Muslimov N.A., Sharipov Sh.S., Qo'ysinov O.A. Mehnat ta'limini o'qitish metodikasi, kasb tanlashga yo'llash. -Toshkent: "START-TRASK PRINT" XK. 2014. 125-b.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада интерфаол таълим технологияларининг талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришдаги роли ҳақида сўз боради. Таълим технологиялари асосида ижодий фикрлашнинг психо-педагогик ҳолатларининг ечими масалалари ётади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещается роль интерактивных образовательных технологий в развитии творческого мышления студентов. Обозначены психолого-педагогические задачи, решаемые в процессе развития творческого мышления на основе образовательных технологий

**SUMMARY**

The article is devoted to the role of interactive educational technologies in the development of creative activity of students. Pedagogical and psychological tasks, which should be solved in the process of creative thinking based on educational technology have been denoted.

УДК: 577.013.74 (575.1 + 520)

# ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЯПОНИИ

**Г.Х.Хасанова** - *соискатель*

*Андижанский государственный университет*

**Таянч сўзлар:** таълимнинг ривожланиши, глобал ўзгаришлар, касбий кўникмалар, халқаро интеграция, таълим тизими модернизацияси.

**Ключевые слова:** развитие образования, глобальные изменения, профессиональные навыки, международная интеграция, модернизация системы образования.

**Key words:** development of the education, global changes, professional skills, international integration, modernization of the education system.

Образование признано одним из ключевых факторов обеспечения мира, терпимости, человеческого потенциала и устойчивого развития. В Концепции международного образования в числе актуальных задач, намеченных до 2030 года обозначено как неотложная задача «содействие качественного обучения для всех на протяжении всей жизни, во всех структурах и на всех уровнях образования, развитие науки, технологии и инновации, укрепление и расширение международных и региональных партнерств» [7]. Поэтому обновление системы образования является актуальной, неизбежной задачей. Одной из движущих сил прогресса в любой области человеческой деятельности и знаний является синтез накопленного мирового опыта. В настоящее время мировое сообщество определяет содержание нового образования, разрабатываются и внедряются новейшие технологии образования, постоянно совершенствуется образовательный процесс. Этому способствуют многие важные факторы: постоянно растущий объем знаний, навыков и способностей необходимых студентам, опыт образовательных учреждений в разных странах. Кроме того, мировое образование должно соответствовать новому уровню производства, науки, культуры. Экономика современного общества должна создать условия для развития профессионального образования, увеличить финансовые и человеческие ресурсы, мобилизовать социальные ресурсы необходимые для удовлетворения потребностей государства. Но глобальные изменения и процессы, растущая конкуренция во всех областях требуют более устойчивого развития. Это требование подразумевает необходимость разработки новых подходов и принципов.

В контексте реформы системы образования в нашей стране изучение и анализ тенденций развития профессионального образования за рубежом приобретают жизненно важное значение. Как известно, процессы демократизации в настоящее время ведутся в системах образования ведущих стран мира. Её существенная особенность - открытость, непрерывность всех этапов развития. Теоретической основой принципа непрерывности в системе образования является концепция непрерывного образования. При осуществлении широкомасштабных экономических реформ, проводимых в стране, одним из наиболее важных и актуальных вопросов является, в первую очередь, совершенствование системы образования и его типов. В Узбекистане современные реформы образования имеют решающие значения для использования опыта развитых стран. Глобализация и международная интеграция являются одновременно совместным процессом работы и борьбы развивающихся стран с целью защиты национальных интересов. Экономическая конкуренция между странами становится все более жесткой, и требует, чтобы каждая страна вводила технологические инновации для повышения производительности труда, создавала новые структуры для общего и профессионального образования. Обращаясь к опыту организации и функционирования японской системы образования, мы руководствовались рядом объективных и субъективных причин, которые определяли актуальность этого исследования. Япония, как страна высокой образовательной культуры чрезвычайно привлекательна для иностранных студентов и исследователей. Она занимает второе место в мировой системе образования, международный компонент системы образования в Японии быстро растет [9]. Образование в стране традиционно является прерогативой государства, которое до сих пор не утратило своей социальной значимости.

В Узбекистане с первых лет независимости особое внимание уделяется радикальной реформе системы образования, обучению наших детей на уровне международных стандартов, приобретению современных знаний и навыков, воспитанию физически и духовно зрелыми и способными раскрывать свои способности, талант и интеллектуальный потенциал. Президентский указ «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года устанавливает комплекс задач для социальной сферы, в частности, в области образования и науки. Правительство уделяет особое внимание дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, использованию качественных образовательных услуг, подготовке высококвалифицированных кадров в соответствии с современными требованиями рынка труда. Дальнейшее совершенствование системы образования, повышение качества образовательных услуг, улучшение работы студентов профессиональных колледжей на основе рыночной экономики и подготовка специалистов, отвечающих потребностям работодателей, имеют большое значение на основе целей, изложенных в Действии Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан [1].

Система профессионального образования имеет важное значение в социально-экономическом и духовном развитии общества. Это подтверждается долгой историей его работы и стало неотложной задачей по обучению и подготовке квалифицированных рабочих профессий, трудоустройству молодых людей. Профессиональное образование является одним из наиболее важных направлений общеобразовательной подготовки. Современное производство приводит к высоким темпам роста рабочих. Особые знания, профессиональное мастерство, общая культура являются предпосылкой для успешных рабочих.

При анализе динамики развития и организационных форм обучения в Узбекистане, по её развитию, можно примерно определить следующее [3:57].

1. Непостоянное (происхождение и формирование национального профессионального образования в качестве системы образования) - 1924-1940 гг.
2. Мобилизация (военный и послевоенный период) - 1941-1959 гг.
3. Эволюция (монотонное развитие) - 1960-1980 гг.
4. Докризисное (спазматическое развитие) -1981-1986 гг.
5. Кризис (качественные изменения развития) -1987-1990 гг.
6. Адаптация (стабилизация и выход из кризиса) - 1991-1996 годы
7. Новая разработка (реализация национальной модели образования) 1997-2005 гг.
8. Период совершенствования и совершенствования системы непрерывного и последовательного образования - после 2005 года.

Государство уделяет особое внимание дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, использованию качественных образовательных услуг, подготовке высококвалифицированных кадров в соответствии с современными требованиями рынка труда. За последние годы в процессе реформирования системы образования в